FARG‘ONA VILOYATI QUVA TUMANI HOKIMINING QARORI

Quva tumani, Qayqubbod ko’chasi 244 uy

2021 - yil 15 - dekabr 159-11-156-Q/21 Quva tuman hokimiyati

Қува тумани “Бегат-Толмозор-Салим” автомобиль йўлида транспорт воситалари ва пиёдалар харакати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўл белгиларини ўрнатиш учун рухсат бериш тўғрисида.

Қува туман “Ободонлаштириш бошқармаси”нинг 2021 йил 21 октябр кунги 250-сонли алоқа хати, Қува туман “Йўллардан фойдаланиш” унитар корхонасининг хулосасини инобатга олиб, туман ҳудудидаги ички йўлларида ҳаракат жадаллиги кундан кунга ошиб бораётганлиги, йўлларда транспорт воситалари ва пиёдалар харакати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Автомобил йўллари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси “Норматив хуқуқий хужжатлар тўғрисида”ги, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 августдаги “Ўзбекистон Республикаси умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 169-сонли қарори ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6,25-моддаларига асосан:

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қува туманидаги махаллий ахамиятига эга бўлган 4к-832 “Бегат-Толмозор-Салим” автомобиль йўлининг 4 км. қисми билан туташган чоррахага ва “Толмозор-Каркидон” сув омборига олиб борувчи 0-1.5 қисмига юк автомобилларининг харакатини ҳамда тезликни чекловчи йўл белгиларини ўрнатишга руҳсат берилсин.

2. Қува туман “Ички ишлар бўлими” (И.Хусанов), Қува туман

“Йўллардан фойдаланиш” унитар корхонаси (М.Рахмонов), туман “Ободонлаштириш бошқармаси” (Н.Абдуллаев)лар биргаликда туман ҳудудидаги маҳаллий аҳамиятдаги 4К-832 “Бегат-Толмозор-Салим” автомобиль йўли 4-км қисмининг 3 (уч)та жойига 3.4 (юк автомобилларининг харакатланиши тақиқланган) ва 1 (бир) донадан 7.3.1, 7.3.2, 7.2.3 (таъсир йўналиши) йўл белгиларини ҳамда Каркидон сув омборига олиб борувчи ички хўжалик йўлининг 0-1.5 қисмига 2 (икки) дона 3.24 (юқори тезлик чекланган) ва 1 (бир) дона 3.4 (юк автомобилларининг харакатланиши тақиқланган) йўл белгилари ўрнатиш чорасини кўрсинлар.

3. Туман ҳокимлиги бош хисобчиси (А.Бўрибоев), туман Молия бўлими (Ж.Закиров)ларга йўл белгиларини ўрнатиш билан боғлиқ маблағ ажратиш чораларини кўриш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Н.Умаров, О.Акбаров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Х. Умаров**